

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Сурхондарё вилоят статистика
бошқармаси бошлиғи
Б.Б.Очилдиев

2017 йил

**Ижтимоий соҳа статистикаси бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1.1. Ижтимоий соҳа статистикаси бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) Сурхондарё вилояти статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

1.2. Бўлим фаолияти ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган.

1.3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги ва вилоят статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

1.4. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғининг ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

1.5. Бўлим ўз фаолиятини вилоят статистика бошқармасининг тармоқ бўлимлари ва туманлар, шаҳар статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

2.1. Бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) Ижтимоий соҳа статистикаси бўйича ахборотларни шакллантириш ва таҳлил этиш соҳасида:

Ижтимоий соҳа статистикаси бўйича ахборотларни Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган тартибда ва муддатларда йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва чоп этиш;

Ижтимоий соҳа статистикаси ахборотларини шакллантириш масалалари бўйича худудий органлар фаолиятини мувофиқлаштириш.

б) Ижтимоий соҳа статистикасига оид илмий асосланган методологияни жорий этиш соҳасида:

Ижтимоий соҳа статистикаси ахборотларини шакллантириш бўйича қабул қилинган услубий ҳужжатларни амалиётда қўлланилишини таъминлаш;

худудий статистика органлари томонидан ижтимоий соҳа статистикасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологияси асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш.

в) замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида:

Ижтимоий соҳа статистикасига оид ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиш ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этиш, бу йўналишда худудий статистика органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, ижтимоий соҳа статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритиш.

2.2. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, ижтимоий соҳа статистикаси бўйича статистик кузатувлар ўтказиш, умумлаштириш, таҳлил этиш, сақлаш ва статистик маълумотларни наشرга тайёрлаш ишларини ташкил этади;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича худудий статистика органлар фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, улар томонидан тақдим этилган ахборотларни таҳлил қилиш ишларини олиб боради;

худудий статистика органларига, вазирлик ва идораларга ижтимоий соҳа статистикаси бўйича ахборотларни шакллантиришда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Бошқарма билан ҳамкорликда маърузалар, статистик тўпламлар учун ҳамда уй хўжаликларига ва ижтимоий соҳага оид жараёнларни тавсифловчи бошқа статистик маълумотларни тайёрлайди;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича маълумотларни шакллантириш, сақлаш ва тарқатишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлайди;

белгиланган тартибда бўлимга юклатилган бошқа функцияларни амалга оширади.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

3.1. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

юридик шахслардан ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан белгиланган шаклларда ва муддатларда статистик маълумотларни сўраш ва олиш;

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг таркиби ва мазмунига оид Бошқармага таклифлар киритиш;

ижтимоий соҳа статистикасига оид ҳисоботлар шакллари, танлама кузатув сўровномаларини, уларни тўлдириш бўйича тушунтиришларни такомиллаштиришга оид таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатларига кирадиган масалаларни кенгашда муҳокама қилиш учун маълумотлар тайёрлаш;

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича ишлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

3.2. Бўлим қуйидаги вазифалар ва функцияларни бажариш учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, фармойишлари, Давлат статистика қўмитаси ва вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, ҳисобот ва ижро интизомини таъминланиши учун;

Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларни давлат, тижорат сирларига риоя қилиниши ва сақланишини таъминлаш учун жавоб беради.

4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

4.1. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги ” Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3165-сонли қарориди, ушбу Низом, Давлат статистика қўмитаси, вилоят статистика бошқармаси қарорлари, низомлари шунингдек Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури асосида ташкил этилади.

Бўлим ходимларининг лавозим вазифалари бошқарма бошлиғи ўринбосари билан келишилади, ҳамда Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи (кейинги ўринларда Бошқарма бошлиғи деб аталади) томонидан тасдиқланади.

Юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича Бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг ва Вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти топшириқларини электрон ҳужжат айланиш тизимида ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш орқали ташкил этилади.

4.2. Бўлимга вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Бўлим бошлиғи:

бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг ишини мувофиқлаштиради, бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

бўлим ишининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Давлат статистика қўмитасининг буйруқлари, Вилоят статистика бошқармасининг буйруқлари ва белгиланган тартибда тасдиқланган йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларни бўлим ходимларига, туман (шаҳар) статистика бўлимларига белгиланган тартибда етказди ва ижросини таъминлайди;

ходимлар томонидан Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат ва тижорат сирларига риоя қилинишини ва сақланишини таъминлайди.

ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида Бошқарма бошлиғига таклифлар киритади;

бўлим ходимларининг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш, шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича бошқарма бошлиғига таклифлар киритади;

бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

бўлим ваколатига кирадиган масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхона ва ташкилотларда вилоят статистика бошқармаси номидан қатнашади.

4.3. Бўлим етакчи мутахассиси:

бўлим бошлиғи йўқлигида унинг вазифалари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади;

давлат статистика ҳисобот шакларини маълумотларини йиғиш, умумлаштириш, таҳлил этишда иштирок этади;

ижтимоий соҳа бўйича статистик ҳисоботларга оид ишларни ташкил этилиши ва ўз вақтида бажарилиши учун шахсан жавобгар.

ижтимоий соҳанинг барча ҳисоботлари бўйича ҳисобот интизомини назорат қилади.

вилоят статистика бошқармасининг бўлимга тегишли вазифалари бўйича вилоятнинг бошқа бошқармалари билан белгиланган тартибда маълумотлар алмашинувини таъминлайди ва жамланма статистик жадвалларни тайёрлайди.

бошқарма томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар, йиғилиш баёнлари ижросини таъминлаш, профилактика ишлари, оммавий ахборот воситаларига чиқишларни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва фармойишлари, Давлат статистика бошқармасининг буйруқлари, шунингдек бошқа белгиланган тартибда тасдиқланган Йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларни чуқур ўрганиб ўзининг иқтисодий малакасини ошириш устида мунтазам ишлайди.

Ўзига бириктирилган вазифаларнинг сифатли ҳамда ўз вақтида бажарилишига жавоб беради;

4.4. Бўлим биринчи тоифали мутахассиси:

бўлим етакчи мутахассиси йўқлигида унинг вазифалари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади;

давлат статистика ҳисобот шакларини маълумотларини йиғиш, умумлаштириш, таҳлил этишда иштирок этади;

бўлимга тегишли вазифаларнинг бўлим бошлиғи билан келишган ҳолда, туман статистика бўлимларида бажарилишини таҳлил қилади ва амалий ёрдам кўрсатади;

бўлим бошлиғининг кўрсатмалари асосида турли ҳил инфармацион-техник ишларини олиб боради;

бўлимдаги хужжатларни ўз вақтида архивга топширилишига жавоб беради;

ўзига бириктирилган вазифаларни сифатли ҳамда ўз вақтида бажарилишига жавоб беради;

бошқарма томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар, йиғилиш баёнлари ижросини таъминлаш, профилактика ишлари, оммавий ахборот воситаларига чиқишларни ташкил қилишда бўлим етакчи мутахассиси билан биргаликда иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Давлат статистика бошқармасининг буйруқлари, шунингдек бошқа белгиланган тартибда тасдиқланган Йўриқнома ва меъёрий хужжатларни чуқур ўрганиб ўзининг иқтисодий малакасини ошириш устида мунтазам ишлайди.